

Сийрат 198-дарс. Ҳақиқий паҳлавон ким?



19:00 / 26.08.2022 4811

761. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси унинг ҳузуридан чиқдилар. Шунда рашким келди. Сўнгра у зот келдилар ва қилаётганимни кўриб: **«Сенга нима бўлди, Оиша, рашк қилдингми?»** дедилар. «Менга ўхшаган сизга ўхшагандан рашк қилмай ҳам бўлармиди?» дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шайтонинг келдими?» дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, мен билан шайтон борми?» дедим. «Ҳа», дедилар. «Ҳар бир инсонда ҳамми?» дедим. «Ҳа», дедилар. «Сиз билан ҳамми, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. **«Лекин Роббим менга ёрдам берди ва у муслмон бўлди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

* * *

762. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Паҳлавон курашда йиқитган (киши) эмас, ҳақиқий паҳлавон ғазаб пайтида ўзини ўнглаб олгандир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

763. Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизлардан кимда-ким ғазабланса, тик турган бўлса, ўтириб олсин, ғзаби кетса - кетди, бўлмаса, ёнбошласин»**, дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

* * *

764. Сулаймон ибн Сурад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Икки киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида сўкишиб қолди. Иккисидан бирининг кўзлари қизариб, томирлари бўртиб чиқа бошлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар уни айтса, ундаги бу нарсани кетадиган калимани биламан. Бу «Аъузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм»дир», дедилар. Шунда у: «Менда жиннилик бор деб ўйлайсанми?» деди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан